

## PEDAGOGICAL ANALYSIS OF THE DEVELOPMENT, HISTORICAL PROGRESS, AND REFLECTION OF NATIONAL VALUES OF PHYSICAL EDUCATION AND ECOLOGICAL CULTURE

K.B. Muhammadiev

Tashkent State Sports University

Associate Professor, (PhD) Tashkent, Uzbekistan

komilmuhamadiev@yandex.ru

Nature is a place for living beings to live, a source of precious blessings, and it is the duty of every person to protect it. In this regard, our nation has its own rich national-historical traditions.

Thanks to independence, there was an opportunity to restore the historical truth in our country, to objectively analyze the history of the great state with its glorious pages, its social-political, economic, cultural-spiritual development processes, draw conclusions and create a new history of Uzbekistan.

The national values and spiritual heritage of our people have served as a source of spirituality for the peoples of the East for centuries.

**Keywords:** physical education, ecology, environment, history, culture, ancestors, "Navroz", "Avisto", "Kushon", "Bactyria", "Scythian", "Massaget", "Dakh", "Sakh", "Shak", "Debrik",

Қадимги аждодларнинг жисмоний тарбияси ва Ўзбекистон ҳудуди аҳолисининг этник таркиби (э.ав. VII – VI асрлар)га таяниб, Сак-массагетлар жисмоний тарбияси. Юнон манбаларида Марказий Осиёнинг чўл ҳудудларида яшаган халқларни скифлар деб аташган. Скифлар тарихи тўғрисида юнонлар қимматли маълумотлар дунёдаги энг қадимий халқлардан бири Помпей Трон скифлар ҳисобланадилар. Улар қадимийликда мисрликлар билан тенглашадилар: “Скиф” сўзи бирон халқнинг аниқ номи бўлмаган, балки уларнинг турмушини ифодаловчи маънони билдирган. Яқин тарихга қадар сахро ва даштларда яшовчи халқнинг турмуш тарзини англатувчи “Сахрат”, “Сартлар” каби атамалар қўлланилиб келинганлиги тарихдан маълум. Юнон маълумотларида келтирилишича, скифлар ғарбда Днепр дарёсидан тортиб, шарқда Тяньшан тоғларигача бўлган дашт ва сахроларда яшаганлар. Уларнинг қабилалари Массагет, Дах, Сах (шак), Дебрик каби номлар билан аталган.

Скифларнинг этнографик, антопология хусусиятлари хунларга ёки турк халқлариникига ўхшашдир. Маҳмуд Қошғарийнинг [7,10] таъкидлашича, Искандар Зулқарнайн Ўрта Осиёни босиб олаётганда турклар ўқ-ёйни тўғрига қандай отса, орқа тарафга ҳам худди шундай маҳорат билан отишган. Бу этнографик хусусиятлар хунлар ёки туркий халқларнинг удумлари скифларникига ўхшаш деб қарашга асос беради.

Сак-массагетлар жисмоний, ҳарбий тайёргарлигида отда юриш, қиличбозлик, камон отиш, найза ва чуқморларни жанг пайтида ишлата билиш муҳим ўрин тутган. Зодагон ва ҳарбийлар гуруҳига мансуб бўлганларнинг болалари учун махсус тажрибали устозлар танлаб олинган. Улар бу гуруҳларга мансуб бўлганларнинг болаларига отда юриш, найзани улоқтириш, санчиш, камондан отиш, чуқморни ишлатиш бўйича сабоқ беришган.

Улар етуклик ёшига етгунга қадар махсус ҳарбий жисмоний тайёргарлик босқичини ўтаганлар. Узоқ муддатли машақатли синовдан муваффақиятли ўтган ёш сак-массагетлар учиб бораётган чумчуқни бемалол мўлжалга олганлар, от устида кетаётиб, олд ва орқа тарафга бир хил ўқ узиб, мўлжалга аниқ текизганлар. Масалан, Хуршид Давроннинг ёзишича "... Форслар қўшинига яқинлашган массагетлар аввал камонлардан ўқ уза бошладилар. Ўқларнинг қалинлигидан форслар қўшини устини соя қоплагандек бўлди. Форслар ҳам қараб турмай, камонларини ишга солдилар. Аммо камон отишда форсларга қараганда массагетлар уста эдилар. Уларнинг боласи олти-етти ёшидаёқ елиб бораётган отда туриб, чумчуқни мўлжалга олишган. Мидияликлар эса бу гапни неча замон илгари скифлардан эшитган эдилар. Скифларнинг ўзи камон отишда бутун Кичик Осиё халқларини қойил қолдирганларига қарамай, бу ишда массагетлар улардан машхурроқ эканларини айтган эканлар" [10, 11, 12].

Херодот "Тарих" китобида мунтазам равишда ахмонийлар ҳарбий жангчилари ҳақида маълумот беради: "Бактрияликларнинг усти-боши мидияликларнинг уст-бошига ўхшаган, улар ўқ-ёй ва калта найзалар билан қуролланганлар. Саклар (скиф қабиласи) узун чўққили қалпоқлар кийиб, камон ва ханжарлар билан қуролланганлар, яна уларда икки қиррали ҳарбий болталар (сагарислар) бўлган". "Бақтрия чавандозларининг қуроллари пиёда аскарлари қуролларига ўхшаган" [10, 11,12].

Юқорида қайд қилинганидек, эрамиздан аввалги VI-VII асрларда Марказий Осиёда қадимги аждодларимиз саклар, массагетлар, суғдлар, дахллар яшаганлар. Улар меҳнаткаш, эрксевар ва жасоратли бўлишган. Овчилик ва деҳқончилик билан шуғулланиб, турли ҳунарларни эгаллашган. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, қадимги аждодларимиз хотин-қизларни ҳурмат қилиб, уларга иззат-икром билан қарашган. Босқинчиларга қарши курашда аёллар ҳам эркаклар қатори бир сафда курашишган.

Малика Спаретра ва Тумарис шундай жасур аёллар эдики, улар ҳақидаги ривоятлар ҳанузгача эл оғзидан тушмайди. Уларнинг қаҳрамонлари ҳақида поэмалар, қиссалар битилган. Тумарис хотирасига бағишлаб, ҳозирги пайтда мамлакатимиз хотин-қизлари учун ҳар икки йилда бир марта миллий халқ ўйинларининг 11 тури бўйича "Тумарис" фестивал-ўйини ўтказилмоқда.

Қадим мозий битикларини билган, таниганлар дунёнинг яримини титратган форслар ҳуқумдори Куруш номини эмас, балки она юртини ҳимоя қилиб босқинчиларни мағлуб этган массагетлар маликаси, мағрур ва қўрқмас Тўмарис номини улуғлайдилар. Бундан қарийб VII аср бурун яшаган инсониятнинг улуғ даҳоси Данте, ўзининг ўлмас "Илоҳий комедия"сида турон маликаси жасоратини илк бор шеърда мадҳ этган эди. Куруш устидан ғалаба қозонган Тўмарис ҳақида Данте биз – бугунги авлодлар юрагини ҳаяжонга соладиган сатрларни битади:

Пайдо бўлиб гўё даҳшатли ўч қиличи

Курушга ҳайқирганча сўзлар Тўмарис!

Қонга жуда ташна эдинг, энди ич қонхўр!

Хуршид Даврон. Самарканд ҳаёли – Тошкент: Камалак, 1981. – 86-106 бетларга қаранг [10, 11].

Олимлар фикрига кўра, “сак” сўзи “қудратли, идрокли, эпчил”, ёки “кучли, азамат, мард”, деб таржима қилинади. Сакларнинг қадимий ёдгорликларида бронза ва темирдан ишланган ҳарбий қуроллар, зебу зийнат буюмлари, меҳнат қуроллари ва сопол идишлар учрайди.

Херодот сакларнинг яроғ-аслаҳа ва от-анжомлари ҳақида аниқ маълумотлар келтирган. Кўчманчиларнинг мазор-қўрғонларида шу қуроллар жумласидан ҳарбий болталар, ҳанжарлар ва бронза ўқлари жуда кўп учрайди. Сакларнинг ўқлари баргсимон, икки ёки уч қиррали бўлган, ханжар ва қилич дастасининг боши ёйсимон тарзда қайириб қўйилган. Массagetлар, тадқиқотчилар фикрига кўра, бу айнан сак кабилаларининг йирик ҳарбий-сиёсий уюшмасидир. “Массaget” сўзининг икки хил, яъни “улуғ гетлар” ёки “йирик сак ўрдаси” деб таржима қилиш мумкин. Охири тушунча “массaget” сўзи маъносига кўпроқ мос келади.

Массagetлар қуёшга сиғинган. Юнон муаррихчиларидан Максим Тирский массagetлар ҳақида ёзар экан, улар “Танаис” (яъни Амударё) дарёсини муқаддас деб, маълум кунда бу дарёда чўмилардилар, деб ахборот беради [10, 11].

Абулқосим Фирдавсий “Шоҳнома”сининг бош қаҳрамони сейстонлик баҳодир Рустами Достондир. Шунинг қайд қилиб ўтмоқ керакки, сейстонликларнинг аждодлари – саклар эрон мифологияси, афсона ва қаҳрамонлик ривоятлари пайдо бўлган даврдан анча кенг Сейстонга кўчиб келган эдилар [1, 10].

“Шоҳнома”да эса сейстон баҳодирлари, айниқса Рустами Достон асосий ролни ўйнайди.

“Шоҳнома”да Рустам энг машҳур эрон паҳлавони. У эрон ҳарбий кучларининг таянчи, ўз ватанига чексиз садоқати билан яққол кўзга ташланиб туради. Фирдавсий Рустам сиймосини жуда йирик ва улкан қилиб тасвирлайди, уни йирик режада кўрсатади. Масалан, у бўкирса, тоғлар ларзага келади, юрганида залворидан оёғи тошга ҳам ботиб кетади, ўтирган чоғида ҳам бўйи ҳаммадан баланд ва ҳоказо.

Рустам енгилмас ва мағрур табиатли баҳодир, аммо ўз подшоҳига чин дилдан садоқатли. У ўз Ватани, ўз ҳалқининг балогардони, бу йўлда у ҳеч қачон қаттол жангдан тап тортмайди, аммо шу билан бирга у ҳарбий найрангга ҳам уста. Масалан, ўз ўғли Сухроб билан бўлган жангда унга кучи етмади, жангнинг иккинчи куни Сухробнинг зарби билан отидан учиб тушган Рустам ҳийла ишлатиб, ёлғон билан ўлимдан қутулиб қолади. Ҳали ҳийлаю найрангга дуч келмаган ёш Сухроб алдов сўзларга ишониб, енгилган рақибини қўйиб юборади. Аммо эртасига у худди шундай вазиятда ҳарбий шухратга берилиб кетган отасининг раҳмсизлигидан ҳалок бўлади [1, 9].

Зардуштийларнинг жисмоний тарбияси. Милоддан аввалги биринчи мингйилликнинг дастлабки ярмида Марказий Осиёда зардуштийлик дини кенг тарқалди. Бу диннинг асослари ибтидоий жамоа шароитида, одамлар теварак-атрофидаги табиатни илоҳийлаштирган бир даврда вужудга келди. Зардуштийлар ўшанда олов (қуёш) га, ер, сув, ой, юлдузларга сиғинганлар ва уларни муқаддас деб билганлар.

Зардуштийлар динининг номи ушбу дин асосчиси Зардушт (турли тилларда Заратуштра, Зороастр) исмидан олинган бўлиб, у Шарқнинг биринчи файласуфи, ноғи, шоири, донишманди, халқ доҳийси ҳисобланади (эраמידан олдинги 589-512-йиллар).

“Авесто” зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлиб, унинг илк саҳифалари Зардушт томонидан 548-519-йиллар орасида Амударё соҳилларида яратилган. Кейинчалик Эронда

оташпарастилик динининг уламо-кохинлари томонидан тўлдирилиб, такомиллаштирилган. Бу китоб 12 минг ҳўкиз терисига битилган

“Авесто”нинг “Вандидод” қисмининг 5-ва 17-бобларида доимий бадантарбия билан шуғулланиш, кунда юз-қўлни бир неча марта ювиш, сочни тоза тутиб, тирноқларни тез-тез олиб туриш тавсия этилади. Инсон меъёри билан овқатланиб, доим тўқ юриши, кўпроқ гўшт истеъмол қилиш лозимлиги ўқтирилган

Тарбия ҳаётнинг энг муҳим тиргаги (таянчи) ҳисобланиши лозим. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш зарурки, у аввало, яхши яшасин, ёзишни ўрганиб, энг юксак поғонага кўтарилсин.

Ҳар бир инсон (зардушт) кунига беш марта ювиниб, покланиб қуёшни олқишлаб, унга сиғиниши шарт.

Марказий Осиё халқларининг дастлабки ёзма ёдгорликларидан бири саналган “Авесто”да аждодларимизнинг қадимги ахлокий-дидактик қарашлари, таълим-тарбия ҳақидаги фикрлари, айниқса, саломатлик, бақувват бўлиш йўллари ўз ифодасини топган [2, 10].

“Авесто” даги маълумотларга кўра, икки куч – яхшилик ва ёмонлик кучлари мавжуд бўлиб, улар бир-бирларига абадий мурасасиздирлар. Яхшилик кучларида инсонларнинг юксак фазилатларига асосланиб, жисмоний, ахлоқий, ақлий, табиатни ҳимоя қилиш кабиларга доир жуда кўп муаммолар мужассамлашган. Жумладан, зардушт муножотларида Яздондан ерда деҳқончилигу чорвачиликни ривожлантириш учун кишиларнинг тетик, соғлом, бақувват бўлишини таъминлаши илтижо қилинган, яхши иш, яхши хулқ, яхши одат уларда барқарор бўлиши тиланган.

“Авесто”да шунингдек, оила гигиенаси, табиий муҳитни, аҳоли яшайдиган жойларни тоза тутиш, кўча, ҳовли, сув ҳавзалари, ариқ ва чашмаларни ифлос қилмаслик ҳақида махсус боблар мавжуд [2, 10].

Шунингдек, унда нафақат одам, балки бир ҳовуч тупроқ, бир томчи сув, бир нафаслик ҳаво ҳам муқаддас неъмат саналиб, уларни асраб-авайлаш, унда ифодаланган экологик йўналишдаги қарашлар ва ўғитлар, анъаналар, урф-одатлар, байрамлар, сувга, ерга муқаддас неъмат сифатида қараш, эъозлаш, оловнинг покловчи кучига эътиқод, ҳайвонларга озор бермаслик, уларни асраш чора-тадбирлари тўғрисида, турли хил сувлар ва уларнинг фойдаси ҳақида ёзилган. Унинг махсус бир бўлими “Сувлар қасидаси” деб номланиб, унда Марказий Осиёнинг йирик дарёларидан бири – Амударё ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, аждодлар руҳига ҳурмат каби халқимизнинг ўтмишдаги қадрият ҳамда анъаналари ўз аксини топган.

“Авесто”нинг туб маъно-моҳиятини белгилаб берадиган “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал”, деган тамойилни оладиган бўлсак, унда ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли сабоқлар бор.

Унинг негизидаги асосий нарса ёрқин дуализм: дунёнинг ибтидосидаги нур ва зулмат, эзгулик ва ёвузлик бўлиб, улар олий тангри, яхшилик тимсоли – Ахурамазда ва ёвузлик тимсоли – Ахраману-(Ахриман)да намоён бўлади. Уларнинг биринчиси эзгу ҳодисалар: ер, сув, ҳаво, оловнинг ижодкори бўлиб, ҳаёт, поклик, саломатлик, ақл, эзгулик тимсоли ҳисобланса, иккинчиси – ифлослик, нопоклик, касалликлар, ўлим яратувчиси, шу билан бирга ёлғон, ёвузлик, ахлоқий тубанлик тимсолидир [2, 10].

Зардуштийлик, таълимотида табиий атроф-муҳитга нисбатан юксак инсоний муносабат, ерни ифлослантирмаслик, ҳосилдорлигини табиий йўллар билан ошириш, ўсимлик ва дарахтларни ўстириш, ҳайвонларни парваришлаш каби масалалар кўзда тутилган.

Чиқиндиларни махсус усулда тозалаш лозим бўлган. Тоза ва қуруқ чиқинди, масалан, синган идиш, суюклар ерга зарар келтирмайдиган даражада кўмиб ташланган. Қолган барча нарсалар томида туйнуқсимон тешиги бўлган кичикроқ уйчага тўпланган ҳамда вақти-вақти билан ишқор таъсирида йўқ қилиб турилган.

Зардуштийлик ақидаларида инсонга онгли жонзот сифатида қаралиб, унинг нафақат атроф-муҳитни сақлаш, балки ўз жисмоний соғлиги, ахлоқий-маънавий ҳолати, қариндош-уруғларига ҳам ғамхўрлик қилишга масъул эканлиги уқтирилади.

Ўзбек халқининг йил фасллари алмашуви, ҳосилни йиғиб-териб олиш билан боғлиқ умумхалқ байрамлари экологик мазмун билан бойитилган. Шулардан бири – энг оммавий байрам Наврўздир. У зардуштийларнинг астрологик тақвимларида алоҳида аҳамият касб этувчи байрам сифатида қайд этилган.

Наврўз – ўзбек халқининг табиат, ер ва унинг инъомларига бўлган муҳаббатини, шукронасини ўзида жам этган баҳор ва меҳнат байрами. Ўзига хос тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бу байрам инсонларда меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-муҳаббат, эзгулик, адолат, дўстлик ва бошқа ижобий фазилатларни юксалтиришга, одамларни табиат билан уйғунликда ҳаёт кечиришга чорлайдиган буюк қадрият ҳисобланади.

“Авесто”да булардан ташқари, беморларни даволашнинг турли усули кўрсатилган, шунингдек, оила, шахсий гигиена ҳамда қиз ва ўғил болаларни парваришлаш, тарбиялаш қоидалари ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳам ўз ифодасини топган. [2, 10].

Грек-Бақтрия давлатида жисмоний тарбия. Марказий Осиёнинг эрамиздан аввалги 1-мингйиллик ўрталаридан бошлаб дастлаб аҳомоний империясига кириши, кейин Искандар Зулқарнайнга бўйсундирилиши маҳаллий элатларнинг узоқ ўлкалар билан алоқалари кучайишига олиб келди. Тарихий маълумотларга қараганда, марказий осиеликларнинг вакиллари Эрон подшолари Доро ва Ксеркснинг Юнонистонга қарши юришларида иштирок этганлар. Сакларнинг анча қисми эронликларнинг ҳарбий кемаларида хизматда бўлганлар. Марказий Осиёликларни, чунончи, хоразмликларни ҳатто жанубий Мисрда ҳам учратиш мумкин эди [10, 11, 12].

Марказий Осиёнинг бой маданий мероси заминидан ўзига хос этник жараённи юзага келтирган Кушон ва Хоразм давлатлари анча гуллаб-яшнаган. Бу давлатларда жуда кўп ва хилма-хил обидалар пайдо бўлган. Кўп элатли Хоразм Искандар Зулқарнай истилосидан кейин ҳам, аҳомонийлар империяси давридагидек, ўз мустақиллигини сақлаб қолган. Кўкча денгиз маданиятига оид Чирикработ қўрғонларининг биридан топилган скиф (апасияк) жангчисининг темирдан ясалган совути Искандар юришлари даврига оид энг қадимги шу хилдаги қурол-аслаҳалардан ҳисобланади.

Марказий Осиё ҳудудининг аҳомонийлар асоратидан батамом озод бўлиши бу ўлка македонияликлар Искандар Зулқарнайн (икки шохли) томонидан эгалланиши билан боғлиқ.

Юнонистон шоҳи Филип II ва Элиппи шоҳининг қизи Олимпиададан туғилган Искандар отаси ўлдирилган вақтда 19 ёшда эди. Отаси унинг тарбиясига катта эътибор қаратди. Уни

13 ёшда буюк олим Аристотель тарбиясига бердилар. Олим Искандарга фалсафа, этика, юнон адабиёти, санъати, тиббиёт фанлари, география ва бошқа фанлардан сабоқ берди.

Тахтни эгаллаган Искандар ўз рақиблари ва тахтга даъво қилиши мумкин бўлган барча эркак зотини қиличдан ўтказди ва мутлақ ҳоким бўлиб олди. Искандар 22 ёшида жаҳон салтанатини ташкил қилишга бел боғлади. Милоддан аввалги 334 йилда 30 минг пиёда, 5 минг отлиқ аскар, 160 кема билан Сурия, Шом юрти, Финикия, Миср, Эрон, Турон ва Ҳиндистонни эгаллаб, буюк салтанат барпо этди [10, 11, 12].

Искандар Зулқарнайн юришлари ҳақида кенг ва тўлиқ маълумотлар Квинт Курций Руф ва Юнон Арриан асарлари орқали бизга етиб келган.

Арриан (милоддан ав. 90-95 – 175 йиллар) “Искандар анабасиси” деган асар муаллифидир. Анабасис “Давлат ичкарисига денгиздан узоқлашаган ҳарбий юриш” ёки “Искандар юришлари” маъноларини англатади.

Искандар Доронинг 100 минглаб мунтазам қўшинларига қарши курашишдан кўра, Спитамен бошчилигида бош кўтарган халқ қасоскорларига қарши курашиш кийин эканлигини тушуниб етди. Чунки, қўлга тушмас Спитамен кутилмаганда ҳали у ерда, ҳали бу ерда пайдо бўлар ва македонияликларга офат, талофат келтирарди. Жумладан, Курций Руф таърифлашича, Спитамен қўшинда “Жангчиларнинг чакқонлиги отларнинг тезлигига мос эди”. Спитамен жисмонан бақувват, жасур, мард ва тадбиркор бир кимса суратида тасвирланган. Дастлабки пайтда “Искандар Спитаменга катта ваъдалар бериб, Суғдиёна ҳокимлигини инъом этмоқчи бўлади. Спитамен эса ватанфурушлик қилгандан кўра, ўлимни афзал билади”.

Курций Руф “Искандар Зулқарнайн тарихи” асарида скифларнинг жасурлигини ва мардлигини таърифлайди. Унинг ёзишича, Искандар скифларнинг катта бир гуруҳининг асир олади. “Жисмоний жиҳатдан бақувват бўлган скифлардан 30 кишини ўлимга маҳкум этганда, улар ўлимдан хам кўрқмасдан, халқ қўшиқларини баралла айтиб, хурсанд бўлиб борарди”, дейди у. Скифларнинг мардлигига қойил қолган Искандар асирларни озод қилади [10, 11, 12, 13, 14].

Милоддан аввалги IV аср охиридан III аср ўртасигача Бактрия Салавкийлар давлати таркибида эди. Милоддан ав. 3 асрнинг 50-йилларида Славкийлар давлатидан Юнон-бактрия давлати ажралиб чиқди, унинг ҳудудини Бакрия ўлкаси ҳудуди, яъни ҳозирга Сурхондарё, Жанубий Тожикистон ва Шимолий Афғонистон ҳудуди ташкил этган.

Айрим манбаларда таъкидланишича, дах қабиласидан, бошқа манбаларга кўра, шак, учинчи манба бўйича эса, бактриялик, умуман, Марказий Осиёдаги қадимги халқлардан бирининг вақили бўлган Аршак исмли киши парфияликлар қўзғолонига бошчилик қилган. Қўзғолон натижасида Парфия Славкийлар давлатидан ажралиб чиқди.

Синфий табақаланиш жараёни ҳақида қўшин таркибига қараб ҳам ҳукм чиқариш мумкин. Отлиқлар оқсуяклар вакилларида, пиёдаларни ташкил этувчи камончилар оддий халқдан иборат бўлган.

Милоддан ав. II-I асрларда Марказий Осиё ҳудудида юнон-македон ҳукмронлиги инқирозга юз тутади. У массагетлар иттифоқининг маҳаллий кўчманчи қабиалари томонидан тугатилган.

Синфий табақаланиш ҳолатига суянган холда қуйидагича хулоса чиқариш мумкин: отлиқ оқсуяклар болаларида ёшлиқдан жисмоний жиҳатдан бақувват, кўрқмас, довюрак, чакқон,

кучли ва чидамлилиқ сифатларини тарбиялашга алоҳида эътибор берганлар. Лекин жисмоний тарбиянинг барча кўринишлари бевосита ҳарбий иш билан узвий алоқада олиб борилган. Оқсуякларнинг болалари билан ёшига мос жисмоний машқлар ўтказилган, тегишли ҳарбий қурол-аслаҳалар ясалган, улар тажрибали, ўз ишининг мохир устаси бўлган устозлардан сабоқ олганлар. Ёши улғайиши билан улар бажарадиган ҳарбий-жисмоний машқлар мазмунан ва мохиятан мураккаблашиб борган. Уларга чавандозлик ва турли қуроллардан фойдаланиш сирлари (отда юриш, ҳаракатланиш, пойга, камондан ўқ узиш, қиличбозлик, найзабозлик, камон ташлаш, чўқморни ишлата билиш) ўргатилган ва машқ қилдирилган. Ов қилиш, ҳукмдорларга хос муаммолар, базм ҳақида, сипоҳлик ва салоҳлик илми ҳам ўргатилган. Барча илмлар алоҳида ажратилган жойларда, махсус жиҳозланган майдонлар, уй, хоналарда олиб борилган. Ёш зодагонлар етуклигига қараб, тегишли тартибда жисмоний ва ақлий синовдан ўтказилган. Синов куни катта тантана қилинган, эришган муваффақиятларига қараб, синовдан ўтувчилар топширувчилар ва уларнинг устозлари муносиб соврин билан тақдирланганлар [10, 11, 12, 13, 14].

Канг, Даван ва Кушон давлатларида жисмоний тарбия. Ватанимиз тарихининг милоддан ав. III-I асрлари ва милоднинг IV асрларигача бўлган ҳужжатли маълумотлар асосан Хитой манбаларига алоқадордир. Чунки, “Авесто” ва Ҳинд халқининг “Махобхорат”ини ва бошқа баъзи бир асарларни ҳисобга олмаганда бу даврга оид бошқа тарихий манбалар йўқ. Хитой тарихчиси Сима Цзянь милоддан аввалги II асрнинг сўнги чорагида Марказий Осиёда бўлган бир Хитой сайёҳининг сўзларига асосланиб, бу ерда аҳолиси (юечжиги) ўхшаш Кангюй номли катта кўчманчилар давлати бўлганлигини хабар қилади. “Авесто” ва “Махобхорат”да ҳам сак (шак) тохарлар ва кангарлар яшаган Канг давлати ҳақида эслатиб ўтилади.

Маълумотларга кўра, Кангюй ёки Канг, С.П.Толстовнинг фикрича, қадимги Хоразмдир. Милоддан ав. II-I асрлардан ушбу давлат ҳудуди Ўзбекистон ва Қорақалпоғистоннинг ҳозирги ҳудудига деярли тўғри келади (Фарғона ва Сурхондарёдан ташқари) [5, 6, 10, 11, 12, 13, 14,].

Милоддан ав. 170 йиллар атрофида Кангага Юнон-Бактрия давлати парчаланиши туфайли Суғдиёна, кейин Чоч кўшилди. Бирлашган давлат Хитой манбаларидан Кангюй деб аталди, у 7 аср давомида мавжуд бўлган.

“Кангли” сўзининг келиб чиқиши ҳақида халқ ривоятлари бор. Жумладан, Рашидиддин (XIII асрнинг иккинчи ярми) “кангли” сўзининг келиб чиқишини афсонавий шахс бўлган Уғузхон билан боғлайди. Ривоятларга кўра, Уғузхон ўз уруғ-аймоқлари билан урушиб юрган кезларида қўлга киритган бойликларни ташиш учун арава ясади. Арава туркий тилда “Кангил” дейилган экан, Шунинг учун ҳам Уғузхон ва унга қарашли кишилар Кангли номи билан аталганлар [1, 3, 4, 5, 6, 11, 12, 13, 14].

Кангюйликлар ўқ-ёй, найза ва узун қилич билан қуролланиб, жангда оғир совут кийишб, зирхланган отга минган, чавандозлар зич саф бўлиб боришган.

1984 йили хўжандлик А. Аминов томонидан Сирдарёдан топилган қадимги дубулға юқорида айтиб ўтганларимизга мисолдир. Дубулғанинг зирхи қўш қават бўлиб, турли металл қотишмаларидан ишланган. Мутаххасислар тахминича, уни яшаш учун маҳаллий хом ашё, жумладан, қорамозор рудаси асосий маҳсулот бўлиб хизмат қилган [4, 5, 10].

Хитой манбаларида қадимги Фарғона Даван давлати бўлганлиги тилга олинади, милоддан аввалги II-I асрларда бу ҳудудда қудратли давлат уюшмаси бўлганлиги қайд этилади. Аммо антик тарихчиларнинг маълумотларига асосланадиган бўлсак, қадимги Фарғона давлати – Даван давлати милоддан аввалги II асрда эмас, балки анча илгарироқ, тахминан

IV-III асрларда пайдо бўлган. У пайтда у Паркана давлати, деб аталган.

Чжан Цзян маълумотларга қараганда, Даван давлати 60 минг қўшинга эга бўлган. Пиёда аскарлар оддий қуроллар билан қуролланган, отлиқ қўшинларнинг ҳарбий маҳоратда тенги бўлмаган. Даван суворийлари югуриб бораётган от устида туриб, орқага қайрилиб, камондан узган ўқ ҳар қандай душманни ҳам доғда қолдирган. Водийнинг ҳатто аёллари ҳам камондан ўқ узиш ва чавандозлигу жангу жадалда эркаклардан қолишмаган.

Бир неча бор бу давлатни босиб олмоқчи бўлган Хитой хукмдорларининг ҳаракатлари беҳуда кетади. Уларни кўпроқ Фарғонанинг насли отлари қизиқтирган. Отлар наслининг бирига улар “Самовий” деб ном берганлар. Самовий отлар баркамол ва гўзал бўлган.

Қадим Фарғонада “Самовий” отлар зотидан тарқалган наслдор отлар парвариш қилинган. Ривоятларга кўра, довон атрофида, тоғларда ёввойи отлар яшаган. Уларни тутиш ва қўлга ўргатишнинг иложи бўлмаган. Шунинг учун зотдор бияларни танлаб, ўша тоғларга ҳайдаб юборганлар. Биялар ва ёввойи айғирлардан – “Самовий” зотли отлар тарқалган. Тянь-Шан хитой тилида “Самовий тоғлар” деб таржима қилинган. Отлар шу ном билан атала бошланган [4, 5, 10].

Милоддан ав. II аср охирида бу насли отлар овозаси Хитойгача борган. Уларни “қанотли отлар” ҳам дейишган. Чопганда уларнинг баданида тер ўрнига қон томчилари кўринган. Милоддий I-IV асрларда хукмронлик қилган Кушон подшолиги бутун Марказий Осиё ҳалқларининг маданий тараққиётида муҳим роль ўйнаган. Кушон аслида массагетларнинг тохар уруғларидан бирининг номидир. Канишка даврида ижтимоий мунособатлар юзага келган қулдорлик тузуми шаклига кирган, бу тузумда асосий синфлар қуллар ва қулдорлар бўлган.

Бу ердан топилган юксак санъат намуналари Г.А. Пугаченковага, Шимолий Бақтрияда (географик ўрнига кўра Сурхондарё вилояти ва Жанубий Тожикистон Республикаси ҳудудларида) Кушон даврида ўзига хос бадий санъат мактаби мавжуд бўлган, деган ғояни илгари суришга имкон берди. Бу даврда фил суягидан ҳам хилма-хил буюмлар ишланган. Булар тепа қисмида мушт шакллари ўйиб ишланган бигизлар, шохмот доналари сингарилардир. Айритом ва Далварзинтепадан топилган, милоддий I-II асрларга мансуб шохмот доналари бу қадимий ўйиннинг пайдо бўлишини қарийиб икки асрга қадимийлаштиради [4, 5, 10, 13].

Демак юқоридаги илмий далилларга таяниб айтишимиз мумкинки жисмоний тарбия ва экологик маданиятнинг ривожланиши, тарихий тараққиёти, миллий кадриятларда акс этганлиги жуда қадимларга бориб тақалади буни исботлашга соҳага дахилдор бўлган олимларимизнинг илмий мерослари етарлича асос бўлади.



**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абулқосим Фирлавсий. Шоҳнома: сайланма / А. Фирдансий: нашрга тайёрловчи ва насрий баёни таржимони Ҳ.Ҳомидий, масъул муҳаррир Ж.Муҳаммад. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2012. – 188 б.
2. Авесто // Тарихий-адабий ёдгорлик: Асқар Маҳкам таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 400 б.
3. Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавхалар – Тошкент: А.Қодирий нашриёти. 1997 й.
4. Аннаев Т., Тилолов Б., Худойбердиев Ш. Бойсун археологик ёдгорликлари. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999.
5. Драчук В. Дорогами тысячелетий – М.: Молодая гвардия. 1976. – 252 с.
6. Джаббаров И. Древний Хорезм – страна высокой культуры и уникальной духовности (Этно-исторические очерки). – М.: ИЭА РАН, 2014. – 304 с.
7. Маҳмуд Қошғарий. Туркий сўзлар девони ( Девону луғотит турк). 1-жилд. Таржимон ва нашрга тайёрловчи Муталлибов С. – Тошкент.: Фан, 1960. – 498 б.
8. Муҳаммадиев К.Б. Талабаларни атроф-муҳитга эҳтиёткор муносабатда бўлишга тайёрлаш назарияси ва амалиёти / ўқув қўлланма. – Тошкент: “Fan va texnologiya”, 2014. – 170 б.
9. Муҳаммадиев К.Б. Талабаларни атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга тайёрлашнинг назарий асослари / Монография. – Тошкент: “Fan va texnologiya”, 2016. – 202 б.
10. Муҳаммадиев К.Б. Жисмоний тарбия таълими жараёни самарадорлигини ошириш ва талабаларда экологик маданиятни ривожлантиришнинг назарий асослари: Монография / “Инновацион ривожлантириш нашриёти-матбаа уйи”. – Тошкент, 2021. – 143 б.
11. Хуршид Даврон. Самарқанд ҳаёли – Тошкент: Камалак, 1981. – 320 б.
12. Хуршид Даврон. Амир Темур пирлари. // Тафаккур , 1996 йил, 1-сон. – 26-35 бетлар.
13. Шайдуллаев. Ш. Илк давлатларнинг археологик белгилари. // “Ўзбекистон тарихи” илмий журнали. 2002 йил, № 3. 3-10 бетлар.
14. Шайдуллаев Ш. “Авесто” ва моддий маданият. // Ўзбекистон тарихи илмий журнали. 2004 йил №3. – 3-12 бетлар.

**РЕЗЮМИ**

Мақолада жисмоний тарбия ва экологик маданиятнинг ривожланиши, тарихий тараққиёти, миллий кадриятларда акс этганлиги ҳақида илмий фикрлар билдирилган.

**РЕЗЮМИ**

В статье выражены научные взгляды на развитие физического воспитания и экологической культуры, их исторический прогресс, отражение в национальных ценностях.

**SUMMARY**

The article expresses scientific views on the development of physical education and ecological culture, their historical progress, reflection in national values.